

Сон аврат эканлигини билмайсанми?



12:01 / 12.01.2020 3267

???? ?????????? ??????? ?????? ??????? ?????? ?????????????

????????????? ??????: ??????? ?????????? ??????? ??? ?????

???? ?????? ?????????????? ?????????????? ??????????????????

?????????: ?????? ?????????????? ??????? ?????????????? ???????????.

????????? ?????? ?????????? ??????????????????????????

??????????????????????.

Асҳоби суфғалардан бўлган Жарҳад розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузуримизга ўтирдилар. Соним очик эди. У зот:

«Сон аврат эканлигини билмайсанми?» дедилар».

Абу Довуд, Термизий ва Бухорийлар ривоят қилганлар.

Аввало, ҳадиснинг ровийси Жарҳад розияллоҳу анҳу ҳақида.

Жарҳад ибн Хувайлид Асламий, кунялари Абу Абдурраҳмон. У киши аҳли суфғалардан эдилар. Ҳудайбияда иштирок этганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир неча машҳур ҳадислар ривоят қилганлар. Ана шу ҳадислардан бири – «кишиларнинг сони ҳам авратдир» деган ҳадис.

Бу зот тўплаган ҳадислардан баъзиларини уч «Саҳиҳ» соҳиблари ўз китобларига киритишган.

Жарҳад розияллоҳу анҳу Мадинада яшадилар ва ана шу ерда Язийд ибн Муовия даврида вафот этдилар.

«Асҳоби суфға» саҳобаи киромлардан бир гуруҳига берилган ном бўлиб, уларнинг турар жойлари бўлмаганлигидан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидлари ортидаги суфғада яшаб, кўпроқ Масжиди Набавийга келган хайр-эҳсонлардан кун кўрар эдилар.

Ҳозирги кунда ҳам ўша суфға ислоҳ қилинган ҳолда сақланиб қолган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳоби суфғаларни эҳтиром қилар, кўнгилларини кўтарар, кўпинча улар билан бирга ўтирар эдилар. Ана шундай ўтиришлардан бирида ушбу ҳадиснинг ровийси Жарҳад розияллоҳу анҳунинг сонлари очилиб қолганини кўриб, у кишига:

«Сон аврат эканлигини билмайсанми?» дедилар.

Яъни, нимага сонингни очиб ўтирибсан, беркит, деганлар. Шундан сон ҳам аврат эканлиги ва аврати очилиб қолган, бошқа ношаръий ҳолатдаги одамларга танбеҳ бериш лозимлиги келиб чиқади.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан